



Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош
саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай
лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш
орқали эришилади.

Ш. Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Лойиҳа ташкилотчиси:

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Тузувчи:

“ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва
инжиниринг маркази.

Тақризчилар:

З.М.Сатторов – Тошкент архитектура-қурилиш институти “Қурилиш
материаллари ва кимё” кафедраси профессори, т.ф.н, профессор.
М.У.Абдуvasиев - “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот
ва инжиниринг маркази етакчи мутахассиси.

Ушбу қўлланма

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тухфаси ҳисобланади.

© “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ – 2021

© “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ – 2021



Ушбу қўлланма «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, ҳамда «ЎзқурилишматериалЛИТИ» МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази томонидан профнастил ишлаб чиқаришни ташкил этиш ниятидаги тадбиркорлар учун амалий-услубий қўлланма мақсадида яратилди.

Амалий-услубий қўлланмадан фойдаланиб профнастил ишлаб чиқариш ҳақида умумий маълумот олиш, керакли

хомашё турлари, мавжуд захиралар, ишлаб чиқариш технологиялари, сифат, меъёрий хужжатлар, ўлчов воситалари, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири, техника хавфсизлиги, саноат санитария қоидалари, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тижорат банкларидан кредит олиш тартиблари келтирилган.

Ушбу қўлланмадан фойдаланиб ўз бизнесингизни бошланг!

Сизга ёрдам берганимиздан миннатдормиз!



МУНДАРИЖА

Кириш	6
I. Профнастил материаллари ҳақида умумий маълумот	12
1.1 Республикада металл листдан тайёрланган профнастил ишлаб чиқариш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси	14
1.2 Металл листдан тайёрланган профнастил материалларининг турлари, ўлчамлари, физик-механик кўрсаткичлари	18

1.3 Афзалликлари	24	VI. Экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири	54
1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда	28	6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар	56
II. Хом ашё турлари ва мавжуд заҳиралар	30	6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш	60
III. Ишлаб чиқариш технологиялари	34	VII. Меҳнатни муҳофаза қилиш	62
IV. Сифат, меъёрий ҳужжатлар ва ўлчов воситалари	40	7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари	64
4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари	42	VIII. Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми	70
4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш	46	IX. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш тартиби	72
4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги	48	Фойдаланилган адабиётлар	74
V. Самарадорлик кўрсаткичлари	50		

КИРИШ







Республикамызда ҳозирги кунда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суръатларини таъ-

минлаш мақсадида мавжуд қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган таркибий

ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бунда тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, республикада мавжуд маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва бунинг натижа-

сида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш қувватларини юқори кўрсаткичларда бўлишини таъминлаш билан бирга экспорт ҳажмларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунёдкорлик ишлари қийматининг 55-60 фоизини қурилиш материаллари ташкил этиши, замонавий меъморчилик



янги, сифатли, арзон, енгил ва энергия тежамкор, инновацион маҳсулотларни талаб қилиши инобатга олинса, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаси тараққиёти ва аҳамиятини ҳис қилиш ва англаш қийин эмас.

Бу, ўз навбатида, нафақат ички бозорни таъминлаш, балки хорижий давлатларга экспорт қилишга ҳам имконият яратмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноати ривожланиш учун жуда юқори салоҳиятга эга.

Маҳаллийлаштириш дастурига кўра импорт ўрнини босувчи қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўплаб истиқболли лойиҳалари амалга оширилмоқда. Хусусан, йилдан-йилга талаб даражаси ортиб бораётган профнастил қурилиш материаллари ҳамда уларнинг муқобил турларини

тайёрлашни ташкил этиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Хусусий уйларни лойиҳалашда меъморлар ва дизайнерлар металл том қопламаларидан фойдаланишни афзал кўрадилар. Бу нафақат материалнинг ишончлилик сифат кўрсаткичлари, балки унинг эстетик хусусиятлари билан ҳам боғлиқ. Металл қопламалар ҳар қандай меъморий услубга мос келади. Профилнинг геометрияси конструкцияни оғирлаштирмасдан, ҳар қандай мураккабликдаги томларда металл қопламалардан фойдаланишга имкон беради. Бу ҳимоя қатлами қўлланилган пўлат қоплама сифатида рух ва алюминий қотишмаларидан фойдаланиш мумкин. Замонавий металл қопламалар полимер билан қопланган, аксарият ҳолларда полиэстер (полиэстер моддаси) ишлатилади. Ушбу полимер

қоплама юқори чидамлилиқ ва декоратив функцияларни таъминлайди, ишлаш 10 йиллик муддатга кафолатланган. Дунёдаги энг машхур том ёпиш материалларидан бири - бу та-

бийй плиткалардир (металлчерепица). Унинг фазилатлари ва хусусиятлари ишончли, эстетик, бардошли томга мос келадиган талабларга тўлиқ жавоб беради.



I. ПРОФНАСТИЛ МАТЕРИАЛЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ





1.1 Республикада металл листдан
тайёрланган профнастил ишлаб чиқариш
истиқболлари ва жаҳон тажрибаси.




Профнастил (профилли лист) тайёр профилнинг тури, шакли, баландлиги ва кенглигига қараб бир биридан фарқланади. Тайёр профилнинг катталиги ва баландлиги қараб қуйидагича номланади - С8, С10, С20, МП20, НС35, МП35, С44, НС44, НС57, Н60, Н75, Н114.

Профилланган қоплама брендидаги рақам қанча кўп бўлса, мос равишда унинг профили шунча мустаҳкам бўлади, бу қаттиқлик баландлиги ва металлнинг қалинлиги ошиши

туфайли унинг кўтариш хусусиятларини оширади. Профнастил ишлаб чиқариш исталган узунликдаги 0,5 м дан 12 м гача миқдорнинг ўлчамига мос равишда металл рулонлардан ишлаб чиқарилади.

Профнастилнинг энг оммалашган ва ҳаммага мақбул, талаб кўп бўлган ўлчамлар 0,4 ва 0,5 ҳамда 0.75 мм қалинликдаги маҳсулотлардир.

Профнастилнинг айрим турлари (девор ва тўсиқ учун) ишлатиладиган металл листларнинг қалинлиги 0,5 ва 0,75



мм ўлчамда бўлади. Профнастиллар учун қурилиш қоидалари бўйича тавсия этилган металл қалинлиги 0,6 мм ва ундан юқори ўлчамда бўлади.

C8 маркадаги профнастил ташқи деворлар қопламаси учун ишлатилади.

C10 профнастил ҳам кўпроқ девор учун ишлатиладиган материал ҳисобланиб, трапеция шаклида ишлаб чиқарилади. Баъзи ҳолларда, у том ёпиш сифатида ҳам ишлатилиши мумкин.

C20 маркаси профессионал металл қоплама ҳисобланиб саноат қурилишида ҳам, уй қурилишида ҳам ишлатиладиган энг муқобил том қоплама материал ҳисобланди.

Ишлаб чиқариладиган металл қопламаларнинг техник ва эксплуатацион хусусиятлари туфайли улардан 20 йилдан 25 йилгача фойдаланиш мумкин.

HS35 маркадаги профнастил

бир вақтнинг ўзида ҳам девор учун, ҳам том учун юк кўтарувчи функцияларини бажара оладиган материал ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамизда металл листдан тайёрланган профнастил (металлочерепица) ишлаб чиқарувчи кўпгина корхоналар мавжуд.

Биргина мисол қилиб **PANEL CONSTRUCTIONS** корхонаси ҳақида гапириб ўтадиган бўлсак корхона юртимиз бозорларида том ёпиш қопламаларининг 5 – 6 турини ишлаб чиқариб, 20 йилдан ортиқ вақт давомида ўз фаолиятини олиб бориб келмоқда.

Жаҳон тажрибасига назар соладиган бўлсак GRAND LINE, Нева Сталь, Завод покровф, УЗКМ (Уральский завод кровельных материалов), Металл профиль корхоналари Россия бозорида етакчилигини эгаллаб турадилар.

Grand Line корхонаси ўз




маҳсулотларини Россия бўйлаб жойлашган 9 та фабрикада ишлаб чиқаради. Ўз лабораторияси ва том ёпиш материаллари ишлаб чиқариш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш туфайли компания ўз маҳсулотларига 50 йилгача кафолат беради. Ички ва Европа бозорларида атиги 10 йил ичида 55 тадан зиёд савдо нуқталарига эга бўлган.

Нева Steel корхонаси Рос-

сиянинг металл листдан тайёрланган профнастил (металлочерепица) ишлаб чиқарувчи йирик корхонаси бўлиб, у 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўз фаолиятини кўрсатиб келмоқда. Корхона биргина профнастил том ёпиш материаллари ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмаган. Корхонада 10 дан зиёд қурилишда ишлатиладиган профнастил маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

1.2 Металл листдан тайёрланган профнастил материалларининг турлари, ўлчамлари, физик-механик кўрсаткичлари



Профнастиллар фойдаланиш мақсади, қўллаш жойи, ишлатиш шароитларига қараб турли кўринишларда ишлаб чиқарилади. Қуйида уларнинг турлари, ўлчамлари келтирилган.

Профнастил С8
С8 девор ва фасад

Кенглиги - 1200 мм, ўртача 750 мм;
Баландлиги 8 мм;
Металл калинлиги 0,35-0,7 мм;

Профнастил С10
С10 девор ва фасад

Кенглиги - 1180 мм, ўртача 1150 мм;
Баландлиги 10 мм;
Металл калинлиги 0,35-0,7мм;

Профнастил С20, МП20
С20 том ёпиш, девор ва фасад

Кенглиги - 1150 мм, ўртача 1110 мм;
Баландлиги 18 мм;
Металл калинлиги 0,35-0,8 мм;

Профнастил С21
С21 том ёпиш девор ва фасад

Кенглиги - 1051 мм, ўртача 750мм;
Баландлиги 21 мм;
Металл калинлиги 0,35-0,8 мм;

Профнастил МП35

МП35 том ёпиш девор
ва фасад



Кенглиги - 1076 мм,
ўртача 1035 мм;

Баландлиги 35 мм;

Металл калинлиги 0,45-0,9 мм;

Профнастил НС35

НС20 том ёпиш,
девор аро ёпма



Кенглиги - 1060 мм,
ўртача 1000 мм;

Баландлиги 35 мм;

Металл калинлиги 0,45-0,9мм;

Профнастил С44

С44 том ёпиш девор
ва фасад



Кенглиги - 1047 мм,
ўртача 1000 мм;

Баландлиги 44 мм;

Металл калинлиги 0,45-0,8 мм;

Профнастил НС44

НС44 том ёпиш,
девор аро ёпма



Кенглиги - 1070 мм,
ўртача 1000 мм;

Баландлиги 44 мм;

Металл калинлиги 0,5-0,9 мм;

Профнастил Н57

Н57 том ёпиш,
девор аро ёпма



Кенглиги - 960 мм,
ўртача 900 мм;

Баландлиги 57 мм;

Металл калинлиги 0,5-0,9 мм;

Профнастил Н60

Н60 том ёпиш, девор аро
ёпма, конструкция



Кенглиги - 902 мм,
ўртача 845 мм;

Баландлиги 60 мм;

Металл калинлиги 0,5-1 мм;

Профнастил Н75

Н75 том ёпиш, девор аро
ёпма, конструкция



Кенглиги - 800 мм,
ўртача 750 мм;

Баландлиги 75 мм;

Металл калинлиги 0,7-1,2 мм;

Профнастил Н114

Н114 том ёпиш, девор аро
ёпма, конструкция



Кенглиги - 807 мм,
ўртача 546 мм;

Баландлиги 114 мм;

Металл калинлиги 0,7-1,2мм;

H60 ва H75 маркадаги профнастил ҳар қандай иншоотлар учун мўлжалланган, универсал материал ҳисобланади. H114 маркадаги металл профнастил томнинг тузилиши мураккаблигига қараб мустаҳкамлик билан томни қоплаш учун тавсия этилади.

H114 маркадаги металл қоплама ишлаб чиқаришда заводдан камида 0,8 қалинликдаги металлдан фойдаланади. Ишлаб чиқариладиган металл қопламалар техник хусусиятлари ва эксплуатацион хусусиятлари 50 йилдан 70 йилгача фойдаланиш имкониятини беради.

Профнастил листларининг ўлчамлари ва маркалари кесимида ўлчамлари ва оғирлиги

Марка	Қалинлиги лист, мм	Кенглиги лист, мм	Оғирлиги 1 кв. м. лист кг
C8	0,5	1150	4,70
C8	0,55	1150	5,13
C8	0,70	1150	6,43
C10	0,5	1000	4,77
C10	0,55	1000	5,21
C10	0,70	1000	6,50

Марка	Қалинлиги лист, мм	Кенглиги лист, мм	Оғирлиги 1 кв. м. лист кг
НС35	0,5	1000	5,40
НС35	0,55	1000	5,90
НС35	0,70	1000	7,40
НС44	0,5	1000	5,40
НС44	0,55	1000	5,90
НС44	0,70	1000	7,40

Марка	Қалинлиги лист, мм	Кенглиги лист, мм	Оғирлиги 1 кв. м. лист кг
Н60	0,7	845	7,40/8,76
Н60	0,8	845	8,40/9,94
Н60	0,9	845	9,30/11,01
Н114	0,8	600	8.40/14
Н114	0,9	600	9,30/15,50
Н114	1	600	10,30/17,17

1.3 Афзалликлари



Профнастил листлар ривожланган давлатларда, хусусан 40 йил давомида АҚШ ва Канадада турар-жой бинолари учун том ёпиш материаллари сифатида ишлатилиб келинмоқда. МДХ мамлакатлари Россия, Беларус, Қозоғистон, Ўзбекистон ва бошқа давлатларда ҳам профнастил ишлаб чиқариш йил сайин ошиб бормоқда.

Бу каби кўрсаткичлар замирида биламизки, бир қатор авзалликлар ётади. Қуйида


профнастиллarning бир қатор авзалликларини келтириб ўта-миз.

Авзалликлари

1. Узоқ муддат фойдаланиш. Профнастилга ишлатилган полимер қопламасининг турига қараб, ишлаб чиқарувчилар 50-70 йилгача кафолат беришади.

2. Коррозияга чидамлилиқ.

Профнастиллар рух ва полимер қатлами билан қопланган. Бунинг ёрдамида профнастиллар



ёғингарчилик ва бошқа ташқи таъсирлардан ишончли тарзда химояланган. Ушбу хусусият том ёпиш материалларининг кўпчилигига хосдир.

3. Енгил вазн. Профнастил битум ва шифер листлар оғирлигидан 15-20 кг енгилроқ. Профнастиллари томга кўтариш учун қурилиш техникасини ёллаш шарт эмас.

4. Ўрнатишнинг қулайлиги. Ҳатто профнастилни ўрнатиш борасида тажрибасиз одам ҳам профиль листларини ўрнатиши мумкин, чунки профнастиллари ўрнатиш осон ва ўрнатишда ноқулайликлар туғдирмайди. Аммо бошқа материалларни ўрнатишни мутахассисларга ишониб топшириш яхшироқ. Бу профнастиллари устунликларидан бири ҳисобланади.

5. Ёғин хавфсизлиги.

Профнастилни асоси пўлат ҳисобланади, бу эса олов тарқалишини олдини олади.

6. Нархи. Профнастилни нархи металлнинг қалинлиги, устки рух қатламининг миқдори ва полимер қопламаси сифатига қараб ўзгариб боради. Профнастиллари нархи битумли ва бошқа турдаги том ёпиш материалларидан арзонроқдир.

7. Ташқи кўриниш. Профнастил томларда эстетик жиҳатдан чиройли кўринади. Профнастилни ранг диапозони металл плитка билан таққосланади ва бошқа том ёпиш материалларига қараганда кенгроқдир.

8. Экологик тоза. Шифердан фарқли ўлароқ, профнастил зарарли моддаларни ўз ичига олмайди ва турар-жой биноларининг томига мос келади.



1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда



2021 йилда республикада барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўрсаткичи 24,2 трлн сўмни, 2026 йилда эса 41,5 трлн сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Экспорт эса 2021 йилда 270 млн АҚШ доллари, 2026 йилга келиб эса 505 млн АҚШ долларига етказилиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, соҳага жалб этилаётган инвестициялар миқдори 2021 йилда 1 610,0 млн АҚШ доллари, 2026 йилда 2 250,0 млн АҚШ долларини, маҳаллийлаштириш кўрсаткичлари эса 2021 йилда 905,1 млрд сўмни, 2026 йилга келиб эса 1 550,0 млрд сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

II. ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ ВА МАВЖУД ЗАҲИРАЛАР






Қурилишда ишлатиладиган профнастил қопламалари ишлаб чиқаришда турли хил қалинликдаги металл листлардан фойдаланилади (тури ва ўлчамларига қараб). Асосан металл листлардан фойдаланиб қуйидаги маркали профнастиллар ишлаб чиқарилади: **C8, C10, C20, МП20, НС35, МП35, C44, НС44, НС57, Н60, Н75, Н114**. Метал рулонларнинг оғирлиги 200 - 1500 кг бўлади.

Профнастиллар учун хом ашё ҳисобланган металл листлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди. Аммо Сиз профнастил ишлаб чиқариш учун уни Хитой ёки Россия Федерациясидан импорт қилингиз мумкин. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки Ўзбекистонда ҳам яқин йиллар ичида профнастил учун хом ашё ҳисобланган металл листлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши режалаштирилган.



III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ





Профнастил пўлатдан ясалган бўлиб, унинг юзаси махсус жиҳозларда ишлов бериш натижасида тўлқинсимон шаклга эга бўлади. Бу жараённинг мақсади профнастилнинг кўриниши, мустаҳкамлиги ва юк кўтариш қобилиятини оширишдир.

Замонавий профнастил қалинлиги 0,45 дан 1,2 мм гача бўлган пўлатдан ишлаб чиқарилади. Профнастил ишлаб чиқариш технологияси жуда оддий ва бир қанча турлари мавжуд.

Демак профнастил ишлаб чиқариш жараёни ва унинг асосий босқичлари ҳақида қисқача баён қиламиз.

1-босқич. Профнастил ишлаб чиқариш учун тайёрланган **металл рулонни очиш қурилмасига жойлаштирилади.** Металл рулоннинг бир тарафи стендга ўрнатилади. Стенд қайта ишлаш учун белгиланган тезликда металл прокатни лист кўринишига келтирилади.

2-босқич. Профнастилнинг **қалинлиги ва кенглик кўрсаткичлари** линиядан чиқадиган охирги маҳсулотга қўйиладиган талабларга қараб белгила-

нади. Профнастилнинг кенглиги рулоннинг ўлчамлари билан чекланган. Профнастилнинг узунлиги турли хил ўлчамларда бўлиши мумкин, аммо, қоида тариқасида, 12-13 метрдан ошмаслиги керак, бу эса профнастилларни ташиш ҳажмига ҳам боғлиқ.

3-босқич. Ишлаб чиқариш жараёнида ишчи валларнинг таъсири остида профнастил **керакли геометрик ўлчамларга** эга бўлади. Бундан ташқари, барча **шакл бериш ишлари** бир вақтнинг ўзида амалга оширилади, бу энг юқори сифатли ва аниқлик даражасидаги маҳсулотларни олиш имконини беради.

4-босқич. Керакли ўлчам ва шакллар берилгандан сўнг, профнастил листлар керакли ўлчамларда махсус қайчи билан кесилади.

5-босқич. Керакли геометрик ўлчамлар берилган, шакл бериш ишлари тугатилган тайёр профнастиллар стандарт талаблари асосида тахланади. Тайёр маҳсулотлар сақлаш омборига юборилади.

Усуна ишлашининг изчил-

лиги ва узлуксизлиги автоматлаштирилган бошқарув тизими томонидан таъминланади, бу жараён профнастил ишлаб чиқариш технологияси бузилмаслигини назорат қилади. ГОСТ 14918 бўйича пўлатдан ва ГОСТ 30246-94, ГОСТ 9045, ГОСТ 1050 бўйича юпқа қатламли пўлатдан профнастил ишлаб чиқариш нормалари белгиланган.

Одатда ишлаб чиқарувчилар профнастил қопламаси таннариhini пасайтириш мақсадида **полимер қопланмаган** рухланган металл рулондан фойдаланишади.

Ишлаб чиқариш жараёнида профнастиллари ташқи таъсирга чидамлилигини ошириш мақсадида полимер қоплаш ишларини ўз цехларида амалга оширишади.

Демак профнастил қопламаларнинг ташқи таъсирга чидамлилигини, каррозияга қаршилиқ, кимёвий моддалар, механик шикастланиш ва ёмғирда ювилиб кетишдан ҳимоя қилиш мақсадида полимер қоплама қатламларини санаб ўтамыз.

1-қатлам. Полимер қопламаси мавжудлигига қарамай, металлга асосий коррозияга қарши туриш хусусиятларни берадиган рух қатлами ҳисобланади. Полимер шунчаки уни кимёвий моддалар таъсиридан, механик шикастланишдан ва ёмғирда сув билан ювилиб кетишдан ҳимоя қилади. Ушбу жараён қуйидаги расмда металл рулондан сўнг устки ва пастки биринчи оқ қатлами сифатида кўрсатилган.

2-босқич. Бу жараён давомида рух оксид плёнка билан қопланиб, профнастилнинг коррозияга учрашишига йўл қўймайди. Ушбу жараён қуйидаги расмда метал рулондан кейин устки ва пастки иккинчи яшил қатлам сифатида кўрсатилган.

3-босқич. Грунтлаш қатламларнинг бир бирига ёпишилини яхшилайти, грунтлаш натижасида полимер қоплама рухланган метал билан кучли боғланиш ҳосил қилади. Ушбу жараён қуйидаги расмда металл рулондан кейин устки ва пастки учинчи сариқ қатлам сифатида кўрсатилган.

4-босқич. Полимер қоплаш ёки профнастилни лаклаш. Ишлаб чиқаришнинг охириги босқичида химоя қатламини яратиш мақсадида профнастиладан фойдаланиш мақсади ва полимер турига қараб қа-

линлиги 25 дан 200 мкм гача полимер қоплама қилинади.

Одатда, турли полимерлар профнастилни олд томони учун химоя қатлами, ички қисми учун эса махсус лак сифатида ишлатилади.

Юқорида келтирилган профнастил ишлаб чиқариш технологиясининг электр энергия сарфи

Номланиши	Бирлик	Электр энергия	Электр энергия нархи. кВт/сўм	Умумий Электр-энергия нархи. минг сўм
Талаб этиладиган қувват	кВт/соат.	2.1	450.0	945,0
Йиллик қувват сарфи	минг. кВт.	5.040		2 268 000,0
100м ² профнастил ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган электр-энергия сарфи	кВт/м ³	2.1		0,94

**Профнастил ишлаб чиқариш
технологик линияларининг
дастлабки нархлари**

Дақиқасига 50 метр С20
маркали профнастил ишлаб
чиқариш технологик линияси

1. Россиянинг “Липецкий за-
вод профилегибочного обо-
рудования” заводи. [http://znpo.
lipetsk.ru](http://znpo.lipetsk.ru). Дастлабки нархи -
219 200 000 сўм.

Дақиқасига 35 метр С-10

маркали профнастил ишлаб
чиқариш технологик линияси.

2. Россиянинг “Липецкий
завод профилегибочного обо-
рудования” заводи. [http://znpo.
lipetsk.ru](http://znpo.lipetsk.ru). Дастлабки нархлари-
153 324 000 сўм.

Ушбу технологиялар ишга
туширилиши натижасида **10-12
янги иш ўрни** яратилиши мум-
кин.



IV. СИФАТ, МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ



4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари



Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Қонунига асосан барча маҳсулот ва хизматлар тегишли тартибда стандартлар асосида ишлаб чиқарилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Шунинг учун профнастил том қопламалари белгиланган стандарт талаблари доирасида ишлаб чиқарилиши зарур. Ушбу стандартларни Ўзбекистон Республикаси Инвестици-

ялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Стандартлар институтидан сотиб олиш мумкин.

Норматив ҳужжатларда профнастил қопламалари ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, хом ашёни танлаш, маҳсулотни ташиш даврий сифат кўрсаткичларини текшириб бориш каби талаб ва тавсиялар келтирилади.

Профнастил қопламалари ишлаб чиқариш ва у билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш учун зарур намунавий стандартлар:

Стандарт рақами	Стандарт номи
ГОСТ 24045-94	Пулат листларнинг тўлқинсимон трапеция кўринишидаги метал қопламаларини қурилишда ишлатиш тартиби.
ГОСТ 7566-94	Металл материалларни сақлаш қадоклаш ва ташиш.
ГОСТ 8026-92	Линейка теккисликни текшириш. Техник шартлар.
ГОСТ 9.401-91	Ягона коррозияга қарши муҳофаза тизими. Иқлим омилларининг таъсирига қарши кураш бўйича умумий талаблар ва усуллар.
ГОСТ 12.1.044-89 (ИСО 4589-84)	Меҳнат хавфсизлиги стандартлари. Моддалар ва уларнинг таърифи ва усулларининг таснифлари.
ГОСТ 164-90	Баландлик ўлчагичлари. Техник шартлар
ГОСТ 427-75	Металлни ўлчаш линейкаси. Техник шартлар
ГОСТ 3749-77	Металл бўрчак ўлчагич 90°. Техник шартлари.
ГОСТ 7502-98	Металл ўлчагич (Рулетка). Техник шартлари.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ПҚ-4335-сонли қарорининг 6-илоvasи “2021 йилнинг 31 декабрига қадар давлат томо-

нидан қўллаб-қувватлаш орқали қабул қилинадиган қурилиш материаллари соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати”га мувофиқ 2019 йилда 340 та, 2020 йилда 542 та халқаро стандартлар қабул қилинди, 2021 йилда яна 505 та халқаро стандарт қабул қилиш режалаштирилган.



4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш



Жараён оддий ва унда инсон омили иштироки камайтирилган. Том қопламалари тайёрланган профнастил учун мувофиқлик сертификатини масофадан туриб олиш мумкин. Бунда Сиз **singlewindow.uz** электрон платформасига кирасиз, **ариза тақдим этиш** тугмачасини босган ҳолда ўз маълумотларингизни киритасиз.

Аризангиз кўриб чиқилади ҳамда **3 иш кuni** ичида тегишли мутахассислар келиб Сиз ишлаб чиқараётган профна-

тил материалларидан намуналар олади. Маҳсулотни тегишли тартибда лаборатория синовларида текширади, стандарт талабларга жавоб берган тақдирда Сизга мувофиқлик сертификати берилади.



4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги



Профнастил материалларини ишлаб чиқаришда турли хил ўлчов воиталаридан, хусусан узунлик ўлчов инструменти, чегаравий ясси узунлик ўлчовлари, соат индикаторлар, штангенциркул каби ўлчов воситаларидан фойдаланилади.

Ушбу ўлчов воситалари қурилиш материалининг сифати, стандарт талабларда белгиланган геометрик ўлчамлардан, оғирликлардан четга чиқмаганлиги каби муҳим факторларни

доимий назорат қилиш учун зарур ҳисобланади.

Ушбу ўлчов воситалари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 30 июлдаги «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» ги 3174-сон буйруғига асосан Миллий метрология институти томонидан қиёслов кўригидан ўтказилади.

V. САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ



29%



29%

Профнастил материалларини ишлаб чиқариш учун тайёр маҳсулот таннархига таъсир этувчи асосий омиллардан бири бу заводда тайёрланган метал прокат ҳисобланади. Чунки металл прокат асосий хом-ашё ҳисобланиб, нархлари биржа савдолари натижаларига кўра ўсиб ёки камайиб боровчи

ҳисобланади. Жумладан йилига 100,0 минг метр квадрат профнастил том қопламалари ишлаб чиқариш учун 470 0 тонна метал ўрамалари таълаб этилади. Ҳозирги кунда металл ўрамаларнинг завод нархи 11,0 млн сўмни ташкил этишини ҳисобга олсак, металл прокат учун йилига 5,170 млрд сўм сарфланади.

Профнастил (С8) марка шлаб чиқаришда хомашё материалларига кетадиган харажатлар

Хом ашё тури	1м ² га материал сарфи, кг	Нархи, сўм/кг	Шу жумладан 1м ² учун сарф этилган хом ашё, сўм	5100 минг метр квадрат профнастил учун йиллик харажатлар, минг сўм
Метал ўрама	4.7	11000,0	51 700	5 170 000 000
Лак буёқлар	0.25	24000.0	6 000	600 000 000
Электр- энергия	2.1 кВт/100м ²	450,0	94.5	945 000
Жами:			57 794.5 сўм/м ²	5 770 945 000 сўм/йил
Транспорт харажатлари: (жами харажатларнинг 3,0%)			173 128 350	5 944 073 350
Хом-ашёларни сақлаш харажатла- ри: (жами харажатларнинг 1,0%)			57 709 450	5 828 654 450
Жами (транспорт ва сақлаш харажатлари қўшиб ҳисоблаганда) харажатлар:			230 837 800	6 001 782 800
Ишлаб чиқарувчининг фойдаси: (жами харажатларнинг 30,0%)			1 800 534 840	7 802 317 640
Умумий:				7 802 317 640

Ишлаб чиқариш жараёнида сарфланадиган электр энергияси миқдорини ҳисоблаш мақсадида йилига **100,0 минг метр квадрат** бўлган профнастил материалларини ишлаб чиқариш корхонаси танлаб олинди.

VI. ЭКОЛОГИК МЕЪЁРЛАР ВА АТРОФ МУҲИТГА ТАЪСИРИ



6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар



Экология – тирик жонзотларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзлари яшаб турган муҳит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ва шу асосда туғилган қонуниятларни ўрганади, инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирини энг мақбул тарзда ишлаб чиқаради. Экологик назорат атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги 9 декабрдаги **«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги ҳамда 1996 йил 27 декабрдаги **«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»** Қонунлари табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан

оқилона фойдаланишнинг ҳукукий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сонли фармонида биноан:

- экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- иқтисодиётни экологи-

ялаштириш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини жорий қилиш, экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллар, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- янгидан фойдаланишга топшириладиган ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самардорлиги **99,5 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тўғиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш;

- амалдаги ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самардорлиги **95 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тўғиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш каби топшириқларидан келиб чиқиб қурилиш материаллари sanoa-тидаги мавжуд ишлаб чиқариш

корхоналари ва янгидан ташкил этиладиган корхоналарга ушбу талаблар белгиланган.

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий муҳит билан узвий боғлиқ бўлиб, буни тасдиқлайдиган манбаалар ҳар қадамда учраб туради. Жаҳон кўламида жадал суръатлар билан кечаётган фан-техника инқилоби одамларнинг меҳнат шароити, турмуш даражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у туғдирган экологик ўзгаришлар, ўз навбатида, инсониятга, уни ўз бағрида сақлаётган она табиатга асоратли таъсир кўрсатмоқда. Бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она десак бўлади. Чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай марҳаматли табиатнинг озор топиши у билан бевосита одамзод ва жониворларни тахликага солиб қўйиши мумкин. Азот оксидларининг чиқариб ташланиши криоген

техникада ва уй шароитида хлор-фтор-карбонатларнинг кенг қўламда қўлланилиши Ернинг озон қаватини сақлаш муаммосини кескинлаштириб юборади.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, шунингдек табиатга антропоген (инсоннинг бевосита қатнашиши) таъсир этишнинг тобора кучайиши натижасида табиий омилларнинг ўзаро боғланиши маълум даражада мувозанатдан чиқмоқда, бу эса ер юзида ҳаётий жараён рисоладагидек кечишига хавф солмоқда. Шу боисдан табиий муҳитни асраш муаммолари кўп жиҳатдан экологик тадқиқотлар билан боғланади.

Табиий бойликлардан оқилана фойдаланишдан табиатда рўй берадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимлар катта аҳамиятга эга. Бусиз табиий жараёнларга баҳо бериш, уларни ҳисобга олиш, табиатга, табиат компонент-

ларига кўрсатилган ҳар қандай таъсирнинг келажақда қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан билиш мумкин эмас. Инсон табиатдан фойдаланганда ва унга таъсир кўрсатаётганда билиши ва фаолиятида амал қилиш зарур бўлган, асосан, **5 қонуният** мавжуд:

1) Табиатдаги барча компонент ва элементлар ўзаро бир-бирлари билан боғланган, ўзаро таъсир этиб, муайян мувозанатда бўлиб, уйғунлик ҳосил қилган. Бирон компонент ёки элемент ўзгарса, бутун табиий комплексда ўзгариш рўй беради;

2) Табиатда тўхтовсиз модда ва энергиянинг айланма ҳаракати рўй бериб туради. Бу ҳаёт асоси;

3) Табиий жараёнларнинг ривожланишида муайян даврийликлар мавжуд (суткалик, йиллик, 12 йиллик, 33-35 йиллик ва кўп йиллик);

4) зоналик;

5) регионаллик.

6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш



Экологик назорат объектлари қуйидагилардан иборат:

ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи табиий ва техноген манбалар атроф муҳит ифлосланишига ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

Экологик назоратнинг турлари:

давлат экологик назорати;
идоравий экологик назорат;
ишлаб чиқариш экологик назорати;

жамоатчилик экологик назорати.

Ҳар қандай янги лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этилишида **экология йўналиши бўйича 5**

та норматив-ҳужжат ишлаб чиқиши мажбурий тарзда қонунчилигимиз билан мустаҳкамланиб қўйилган. Булар:

АМТА – атроф муҳитга таъсири аризаси ҳақидаги ҳужжат;

ЭОА – экологик оқибатлар аризаси ҳақидаги ҳужжат;

ПДВ – атмосфера қатламига чиқариладиган ташламалар ҳақидаги норматив;

ПДС – ер қатламига чиқариладиган зарарли чиқинди оқавалар ҳақидаги норматив. Агар чиқинди сувлар канализация тармоғига уланса **КЭН** нормативи ишлаб чиқарилади ;

ПДО – ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти давомида ажраладиган саноат ва маиший чиқиндиларнинг ҳудудга ва атрофга жойлаштирилиши ҳақидаги норматив. Агар чиқиндилар экологик сертификатланган бўлса компенсацион тўловларга тортилмайди.

VII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ





7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари



Ўзбекистон Республикасида хавфсиз ва қулай меҳнат шароитида ишлаш юзасидан фуқароларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (37-модда) мустаҳкамланиб қўйилган. Ушбу конституциявий кафолатни амалда рўёбга чиқарилишига қаратилган аниқ чора тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунига, бошқа бир қатор қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларида белгиланган.

Меҳнат муҳофазаси - инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган тадбирлар. Қонун ҳужжатларида меҳнат жараёнида қўлланиладиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чора тадбирлари белгилаб қўйила-

ди. Меҳнат қилувчи шахс хавфсизлиги, саломатлиги, меҳнат қилиш қобилиятини ҳимоялаш, соғлом меҳнат шароитлари яратиш, касб касалликлари юз бериш хавфини олдини олиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишларга йўл қўймаслик кабилар меҳнат муҳофазаси олдидаги вазифалар ҳисобланади.

Меҳнат муҳофазасига оид талаблар ва стандартлар Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқариладиган корхона ва ташкилотларнинг ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномалари, тармоқ ёки минтақавий жамоа келишувлари, корхоналарнинг бошқа ички норматив ҳуқуқий ҳужжатларида, муайян соҳа, касб, иш жойларига оид бўлган Меҳнат муҳофазаси стандартларида белгилаб қўйилади. Мулкчилик шакли ва ҳужалик юритиш усулидан қатъий

назар барча корхона, муассаса, ташкилотлар ўз ходимлари учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиши, хавфсизлик техникаси чораларини кўриши, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиши, бошқа ташкилий техник тадбирларни амалга ошириши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофа-

за қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зиммасига юклатилади.

Меҳнат муҳофазасида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жамоавий ҳимоя воситалари — тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосла нишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

зарарли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига

олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

иш ўрни — меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий ёки вақтинчалик бўлиш жойи;

ишлаб чиқариш фаолияти — маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса — ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келадиган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқоти-

шига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

касб касаллиги — ходимнинг унга зарарли ишлаб чиқариш омили ёки хавфли ишлаб чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

меҳнат шароитлари — меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йиғиндиси;

меҳнатни муҳофаза қилиш — меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақлашни таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

меҳнатда майиб бўлиш —

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилияти-ни вақтинча ёки турғун йўқоти-ши;

ноқулай ишлаб чиқариш омиллари — зарарли ишлаб чиқариш омилнинг ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омил-нинг мавжудлиги;

хавфли ишлаб чиқариш омил — таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омил;

шахсий ҳимоя воситала-ри — ходимга зарарли ишлаб чиқариш омил ва (ёки) хавф-ли ишлаб чиқариш омил таъ-сирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояла-ниш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.

Профнастил материалла-рини ишлаб чиқаришнинг асо-сий технологик босқичларида ишлашда хавфсизлик қоидала-рига қатъий риоя қилиш зарур.



**VIII. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ
ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ
РЀЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сонли “Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда 2014 йилнинг 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилди.

Унга кўра, электрон рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатларини масофадан туриб ва интерактив расмийлаштириш йўли билан намунавий шакллар асосида тайёрлаш имконияти бўлган Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга оширилади. Электрон рўйхатдан ўтказишда зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш, шунингдек рўйхатдан ўтказилган

таъсис ҳужжатларини ва тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги ПҚ-2646-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш” тартиби тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

IX. ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ



Бугунги кунда банклар томонидан тадбиркорларликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, молиялаштириш дастурлари доирасида банклар томонидан турли хилдаги кредитлар таклиф этилмоқда.

Кредитларининг турлари бизнесни ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган исталган масалаларни ҳал қилишга имкон беради.

Кредит тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда банк мижознинг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Бунда эътибор расмий кўрсаткичларга эмас, балки молиялаштириш назарда тутилган бизнеснинг ривожла-

ниш истиқболларига қаратилади.

КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:

- кредит олиш учун ариза (кредит муддати, фоизи, мақсади кўрсатилган ҳолда);

- бизнес-режа (маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш технологиялари, сотиб олинadиган ёки ижарага олинadиган асбоб ускуналар рўйхати, хом ашё заҳиралари, маҳсулотга бўлган талаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсатилади);

- корхона ташкил қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (гувоҳнома, Устав);

- таъминот ҳужжатлари (гаровга қўйиладиган кўчма ва кўчмас мулк, кафиллик).

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Бурый, Алексей Укладка паркета / Алексей Бурый. - М.: Издательские решения, 1997.
2. Дамье-Вульфсон, В. Н. Устройство полов из паркета и линолиума. Практическое пособие / В.Н. Дамье-Вульфсон. - М.: Высшая школа, 1991.
3. Деревянков, В.С. Паркет, ламинат, массив, линолеум. Выбор, монтаж / В.С. Деревянков. - М.: Лада, 2010.
4. Коврик кокосовый «Паркет», 45х75 см. - Москва: РГГУ, 2013.
5. Коврик придверный «Паркет» с окантовкой, резиновый, 40х60х0,8 см (полуовальный), арт. ТД4-1015. - Москва: Машиностроение, 2000.
6. Мир паркета: Настольная книга дизайнера. - Москва: Высшая школа, 2001.
7. Плотников, Л.И. Ламинат. Шаг за шагом. Паркетные полы, полы из ламината, ламинированный паркет, паркетная доска, достоинства и недостатки, укладка и уход / Л.И. Плотников. - М.: Центрполиграф, 2014.
8. Серикова, Г.А. Работы с полами: паркет, плитка, ламинат, линолеум / Г.А. Серикова. - М.: Рипол Классик, 2011.
9. Умельцев, Ю. Как класть ламинат, паркет и стелить линолеум / Ю. Умельцев. - М.: Клуб семейного досуга, 2012.
10. Эрмантраут, А. Сами укладываем паркет, настилаем деревянные полы и ламинат / А. Эрмантраут. - М.: Омега-пресс, 2008.
11. Дамье-Вульфсон В. Н., Завражин Н. Н. Устройство полов из паркета и линолеума.
12. Дамье-Вульфсон В. Н. Устройство полов из паркета и линолиума. Практическое пособие.
13. <https://lex.uz/docs/1547380>.
14. Сатторов З.М. Курилиш экологияси. – Т.:Sano-standart, 2017. – 364 б.
15. Сатторов З.М. Экология. – Т.:Sano-standart, 2018. – 362 б.



“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри.
Шаҳрисабз кўчаси 3-уй.

Мўлжал: “Ўзбекистон почтаси”,
“Ucell” бош офиси.

Алоқа учун: + 998 (78) 120-35-94

E-mail: info@uzpsb.uz

Сайт: sqb.uz

“ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛИТИ” МЧЖ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ВА ИНЖИНИРИНГ МАРКАЗИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Тафаккур кўчаси,
68-А уй.

Мўлжал: Дўстлик боғи,
“Ичан қалъа” меҳмонхонаси

Алоқа учун: (71) 254-92-01

E-mail: info@uzqmliti.uz

Сайт: uzqmliti.uz

[illegible]

[illegible]

This image shows a single page of white paper with horizontal blue lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page, typical of notebook paper or a document template. There are no margins, text, or other markings on the page.

[illegible]



**Профнастил ишлаб чиқариш бўйича
амалий услубий қўлланма**

Компьютерда тайёрловчилар:
Эрматов Ф., Алимжонов С.

Дизайнер:
Эрматов Ф.